

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**ДПМ харид**

**комиссиясининг раиси**

*У.Назаров*

**Н.Б.Назаров**

**“ 10 ”**

**2022й.**



**ФОТОАППАРАТ ХАРИД ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН**

**ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ**

Тошкент – 2022 й.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) фотоаппарат харид қилиш  
юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.**

**Товар номи:** фотоаппарат харид қилиш.

**Танлашни ўтказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошланғич баҳоси:** 971 599 695 (тўққиз юз етмиш бир миллион беш юз тўқсон тўққиз минг олти юз тўқсон беш) сўм.

**Танлаш ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлаш ўтказиладиган манзил:** <https://xarid.uzex.uz/>

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танлашда иштирок этишлари мумкин:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**Танлаш иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс:** Моддий техник таъминот бўйича етакчи мутахассис - Рафиқджанов Мухаммаджон Махмуд ўғли, тел.:71 207-70-81.

**Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:** Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

**Танлаш ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.
- танлаш ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса, ушбу танлаш ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

**Танлашга тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

- тижорат таклифи;

- иш тажрибаси;
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусҳаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);
- товарларга бериладиган кафолат.

**Буюртмачининг юридик манзили:** Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160А.

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Требования к фотоаппарату	
Тип камеры	Зеркальная
Объектив камеры	
Фокусное расстояние	18-55
Объектив	Объектив должно входить в комплект
	Поддержка сменных объективов
	Байонет EF/EF-S
Матрица камеры	
Общее число пикселей	24,7 млн
Тип матрицы	CMOS
Физический размер матрицы	APS-C (22.3 x 14.9 мм)
Число эффективных пикселей	24.1 млн
Кроп-фактор	1.6
Максимальное разрешение	6000 x 4000
Глубина цвета	42 бит
Чувствительность	100 — 3200 ISO, Auto ISO
Расширенные режимы ISO	ISO6400, ISO12800, ISO100
Режимы съемки камер	
Режим Time-lapse	есть
Широкоформатный режим фото	есть
Формат кадра (фотосъемка)	4:3, 3:2, 1:1, 16:9
Скорость съемки	3 кадр/сек
Максимальная серия снимков	11 для RAW; 150 для JPEG
Максимальная серия снимков	150 для JPEG, 11 для RAW
Время работы таймера	2-10 с
Функциональные возможности	
Баланс белого	автоматический, ручная установка, из списка, брекетинг
Вспышка	встроенная, до 9.20 м, подавление эффекта красных глаз, башмак, E-TTL II
Видоискатель и ЖК-экран	
Видоискатель	зеркальный (TTL)

Использование экрана в качестве видоискателя	есть
Поле зрения видоискателя	95%
ЖК-экран	920000 точек, 3 дюйма
<b>Экспозиция</b>	
Выдержка	30 — 1/4000 с
Ручная настройка выдержки и диафрагмы	есть
Автоматическая обработка экспозиции	с приоритетом затвора, с приоритетом диафрагмы
Экспокоррекция	+/- 5 EV с шагом 1/3 ступени
Замер экспозиции	центровзвешенный, общий (Evaluative), точечный
Брекетинг экспозиции	есть
<b>Фокусировка</b>	
Тип автофокуса	фазовый
Подсветка автофокуса	есть
Ручная фокусировка	есть
Фокусировка по лицу	есть
<b>Память и интерфейсы</b>	
Тип карт памяти	SDHC, Secure Digital, SDXC
Форматы изображения	JPEG (2 уровня сжат.), RAW
Режим записи RAW+JPEG	есть
Интерфейсы	Wi-Fi, USB, HDMI, NFC
Тип USB	2.0
<b>Питание</b>	
Формат аккумуляторов	свой собственный
Количество аккумуляторов	1
Батарейный блок	CA-PS700
<b>Запись видео и звука</b>	
Запись видео	есть
Формат записи видео	MOV
Видеокодеки	MPEG4
Максимальное разрешение роликов	1920×1080
Максимальная частота кадров видеоролика	60 кадров/с
Максимальная частота кадров при съемке HD-видео	50/60 кадров/с при разрешении 1280×720, 25/30 кадров/с при разрешении 1920×1080
Время записи видео	размер видеофайла 4 Гб или 29 минут
Запись звука	есть
<b>Другие функции и особенности</b>	
Материал корпуса	пластик
Дополнительные возможности	крепление для штатива, дистанционное управление, датчик ориентации, управление с компьютера
<b>Размеры и вес</b>	
Размер	129x101x78 мм, без объектива
Вес	475 г, с элементами питания

## Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ

Мазкур шартнома лойиҳаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

Шартнома № \_\_\_\_\_

2022 йил \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

“\_\_\_\_\_” (келгусида “Бажарувчи”) \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи директор \_\_\_\_\_ бир тарафдан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази номидан директор \_\_\_\_\_ (келгусида “Буюртмачи”) Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи”га 165 дона фотоаппарат харид қилиш бўйича тузилди.

№	Товар номи	Баҳоси (сўм)	Сони	Умумий баҳоси (сўм)
1	Фотоаппарат (техник топшириққа мувофиқ)			

### 2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи”га фотоаппарат етказиб бериш бўйича шартнома баҳоси ҚҚС билан \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

2.2. “Буюртмачи” шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида шартнома умумий баҳосининг 30 % миқдори олдиндан, қолган 70 % қисми барча шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнг 10 (ўн) иш куни давомида ҳисоб фактурага асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА КАФОЛАТИ

3.1. “Бажарувчи” ушбу шартномада белгиланган хизматни 45 календар куни давомида етказиб бериш мажбуриятини олади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. “Бажарувчи” товарларни ўз вақтида етказмаган ҳолда “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,5 % миқдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома баҳосининг 50 %дан ошмаслиги керак.

4.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов пеня миқдори шартнома баҳосининг 50% дан ошмаслиги керак.

### 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар хошиш иродасидан ташқари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Тегишли

идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

5.2. Форс-мажор юзага келган ҳолатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз деб топган томон, бошқа томонга бу ҳақда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар қилиши керак.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

6.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иқтисодиёт судида ҳал қилинади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

7.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

7.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг \_\_\_\_\_ кунигача амал қилади.

#### 8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”


ДПМ директорининг 2022 йил 24 февралдаги № 109-ИЧ сонли Буйруғига асосан:

**Харид комиссияси масъул котиби:**


БТБ мутахассиси



Хидиров Д.Э.

**Комиссия раиси ўринбосари:**

МИББ бошлиғи



Акрамов А.А.


**Комиссия аъзолари:**

Бош юрисконсулт




Мирзаев Б.Х.

АМС ва ПХЖБ бошлиғи



Мамадалиев А.А.

БТБ бошлиғи



Габдалилов Б.Г.